

ШАРТНОМА № FL86752306
Иссиқлик энергияси етказиб бериш учун

Бустон тумани

«12» январ 2022 йил

Тузамиз ушбу шартномани бир томондан "Бўстон тумани Халқ таълими бўлими" рахбари Ю.Азимова келгусида «Истемолчи» деб юритилади, иккинчи томонда «Зиё-2002 МХ» маъсуляти чекланган жамияти рахбари И.Комилов келгусида «Таъминотчи» деб юритилади.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

- 1.1 Таъминотчи томонидан «Истемолчи»га 2021-2022 йил кўз киш мавсумида сифатли ва кафолатланган иссиқлик энергияси билан таъминлашни ўз зиммасига олади.
- 2.2 «Истемолчи» томонидан иситилиши лозим булган бино ва иншоатларни сифатли иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун «Таъминотчи»га белгиланган тартибда иситиш иншоатларини руйхатини такдим этади.
- 3.3 Таъминотчи ўз вақтида «Истемолчи» томонидан такдим этилган руйхат асосида белгиланган тартибда иссиқлик энергияси билан таъминланиши зарур булган бино ва иншоатларни кўз киш мавсумида иситилишини таъминлашни ўз зиммасига олади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТИ.

- 2.1 «Истемолчи» иситилиши режалаштирилган бино ва иншоатларни кишки мавсумга тайёр холда яъни иссиқлик энергиясини беҳуда сарфланмаслигини олдини олган холда «Таъминотчи»га топширади (жорий таъмирлаш ишлари).
- 2.2 «Истемолчи» руйхатда курсатилган бино ва иншоатларни иситиш тармоқларини козонхонагача булган қисмини тулақонли ишлашини таъминлаб беради.
- 2.3 «Истемолчи» козонларни ёқилги махсулотлари билан таъминлаш учун захира омборларини таъминотчига фойдаланиш учун такдим этади.
- 2.4 Таъминотчи, «Истемолчи» вакили билан биргаликда такдим этилган руйхат асосида бино ва иншоатларни иситилиш майдонларини ва тармоқларини қабул қилиб олади ва кўз киш мавсумида фойдаланишга тайёр холга келтиради.
- 2.5 «Таъминотчи» ўз вақтида «Истемолчи» томонидан такдим этилган руйхат асосида белгиланган тартибда иссиқлик энергияси билан таъминланиши зарур булган бино ва иншоатларни кўз киш мавсумида сифатли ва кафолатланган иссиқлик энергияси билан таъминлайди.

3. КўРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ХИСОБ-КИТОБЛАР

- 3.1 «Истемолчи» кўз киш мавсумида норматив меъёрий ҳужжатлар асосида (умумий иситиш майдони 74830 м²) Меъёрий иссиқлик энергияси 2688 гкалл иссиқлик энергиясини қабул қилиб олади.
- 3.2 «Истемолчи» томонидан талаб қилинаётган 2022 йил кўз киш мавсуми учун иссиқлик энергияси 2688 гкалл.
- 3.3 «Истемолчи» қабул қилиниши лозим булган иссиқлик энергияси учун олдиндан 100 % микдорда бўнақ тўловини амалга оширади.
- 3.4 «Истемолчи» қабул қилинган иссиқлик энергияси учун жорий молиялаштиришни таъминлашни ўз зиммасига олади.
- 3.5 Шартномаларни умумий қиймати **422 774 016 (тўрт юз йиғирма икки миллион етти юз етмиш тўрт минг ўн олти) сўмни ташқил этади.**
- 3.6 «Таъминотчи» томонидан курсатилган хизматлар ва етказиб берилган иссиқлик энергияси учун қабул қилиш далолатномасини ўз вақтида «Истемолчи»га ҳар ойнинг 25 санасига қадар такдим этишни таъминлайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1 Бир тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлайди.
- 4.2 Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда шартнома юридик кучда бўлган даврдаги амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

5. ШАРТНОМАНИ ҲАЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

5.1 Агар шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома дастлаб қандай шаклда тўзилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Тарафлардан бирининг розилигисиз шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

5.2 Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома Иқтисодий суднинг қарорига биноан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бўзган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

5.3 Тарафлардан бирининг шартномани бўзиши иккинчи тарафга у шартномани тўзишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан қўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бўзиш ҳисобланади.

5.4 Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда қўрсатилган ёхуд шартномада белгиланган 10 (ўн) кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

5.5 Шартнома ўзгартирилганида тарафларнинг мажбуриятлари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади. Шартнома бекор қилинганда тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.

5.6 Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бошқача тартиб аниқланмаса, тарафлар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибиде ўзгартирилган ёки бекор қилинганда эса - суднинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори қонуний қучга қирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

5.7 Агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга тарафлардан бирининг шартномани жиддий бўзиши асос бўлган бўлса, иккинчи тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Юзага келган келишмовчиликлар ва низоли масалалар дастлаб ўзаро тарафларнинг келишуви асосида ҳал этилади. Келишув албатта тарафларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларига ҳамда манфаатларига зарар етказмаслиги шарт.

6.2. Агарда томонлар бундай келишувга келишишга эришаолмаган тақдирда, келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишлари мумкин.

6.3. Ўзаро келишув асосида ҳал этилган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида низоли қўриб чиқиш ҳудудий жиҳатдан тегишли бўлган Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.

7. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Агарда тарафларнинг бири томонидан шартнома шартларини бажара олмаслиги ёки етказиб берилиши лозим бўлган қўмир ёки қўриқилган сифати ва суммаси тўғрисидаги ўзгариш бўлса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш қилинади. Бунда, шартнома шартларини ўзгартириш истаги бўлган тараф биринчи навбатда иккинчи тарафни 5(беш) банк иш қунидан қечиктирмасдан бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.2. Форс-мажор ҳолатида шартнома бўзилса, ўзаро келишиб олинади.

8. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган қундан қучга қириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8.2 Агар, шартноманинг тарафлари ўзларига юқлатилган мажбуриятларга шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадарли талаб этилган даражада ва тўлиқ ҳажмда бажармаса, у ҳолда шартнома тарафлар ўша мажбуриятларни то бажармагунларига қадар амалда бўлади ва ўз юридик қучини сақлаб туради.

8.3 Шартнома 2 (икки) нусхада тўзилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг қучли ҳисобланади.

9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1 Агар шартнома шартларининг бажарилмаганлиги, шартнома тўзилгандан сўнг юзага келган сув тошқини, ёнғин, zilзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго оқибати ҳисобланса, тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

9.2 Агар, тарафлар ўз мажбуриятларини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ижро (Хукумат) ёки суд ҳокимияти томонидан қабул қилинган янги норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга биноан бажариш имкониятини қисман ёки бутунлай йўқотса, у ҳолда тарафлар ўзаро келишувга кўра бундай вазиятларни ҳам форс-мажор ҳолатлари деб ҳисоблаши ва бажарилмаган мажбуриятларни талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечишлари мумкин.

9.3 Тарафларни мажбуриятни бажаришдан озод қилиниши учун бу форс-мажор ҳолатлар мажбуриятнинг бажарилмаслигига тўғридан-тўғри тўскилик қилган бўлиши лозим.

10. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1 «Истемолчи» курсатилган хизматлар учун маблағларни ўз вақтида туловларни амалга оширмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.2% миқдорда жарима тулайди. Жарима миқдори шартнома қийматининг 50% дан ошиб кетмаслиги керак.

10.2 «Таъминотчи» томонидан ўз вақтида курсатилган хизматлар талабга жавоб бермай сифатсиз амалга оширган тақдирда ҳар бир кун учун 0.2% миқдорда жарима ҳисобланади. Жарима миқдори шартнома қийматининг 50% дан ошиб кетмаслиги керак.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

11.1 «Истемолчи» кўрсатилаётган хизматлардан норози бўлган тақдирда таъминотчи корхонага камчиликларни кўрсатган ҳолда хат орқали мурожат қилади.

11.2 «Таъминотчи» ўз вақтида «Истемолчи» томонидан курсатилаган камчиликларни бартараф этиш чораларини қурлади.

12. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

12.1 Ушбу шартнома 2022 йил кўз киш мавсумига тўзилган бўлиб 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

12.2 Шартнома икки нусхада тўзилган бўлиб барчаси тенг қучга ва тенг ҳуқуқга эга.

13. ТОМОНЛАРNING РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Зиё 2002 МХ»МЧЖ
Андижон вилояти Бўстон тумани
Таффақкур МФЙ Шалола кучаси
Х/Р:20208000404237046003
Кишлоқ қурилиш банк Андижон
бўлими мфо 00082 ИНН 204258120

Рахбар : И.Комилов



«Истемолчи»

"Бўстон туман Халқ таълим
бўлими"
Бўстон т. Гўзар мфй
ИНН 200 264 426
шхр 100022860032097092100075045
Молня вазирлиги газначилиги
Тошкент ш МБХККМ

ИНН 201122919 МФО 00014
х/р 23402000300100001010

Рахбар: Ю.Азимова



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY XULOSA**

№ FL86752306

1. Loyihaning turi

SHARTNOMA

2. Loyihaning nomi

Bo'ston tumani Xalq ta'limi bo'limi bilan "Ziyo-2002 MX" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida 2022 yil 12 yanvar kuni jami 422 774 016 so'mlik «Istemolchi» ko'z kish mav'sumida normativ me'yoriy xujjatlar asosida (umumiy isitish maydoni 74830 m2) Me'yoriy issiklik energiyasi 2688 gkall issiklik energiyasini kabul kilib olish yuzasidan kelishildi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Bo'ston tumani Xalq ta'limi bo'limi

2022 yil 12 yanvar

Loyiha Fuqarolik kodeksi, xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonun va boshqa amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq

2022 yil 13 yanvar

**Bo'ston tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi boshlig'i:**



A.Qodirov

Иссиқлик энергияси етказиб бериш учун шартнома № FL86752306 га илова
 2022 йил қиш мавсумида Андижон вилояти Бўстон тумани Халқ таълим бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактаблари учун сифатли иссиқлик энергияси
 2022 қиш мавсуми иссиқлик энергияси етказиб бериш жадвали

№	Ташкилот номи	Ойлар	Иситиш майдони	1 ойда етказиб бериладиган иссиқлик энергияси (гкалл)	1 гкалл иссиқлик энергияси нархи (сумда)	Жами етказиб бериладиган иссиқлик энергияси суммаси (сумда)
A	1	2	3	4	5	6 (4г*5г)
1	Халқ таълим бўлимлари	Январ	74830	1075	157 282	169 078 150
2	Халқ таълим бўлимлари	Феврал	74830	1075	157 282	169 078 150
2	Халқ таълим бўлимлари	Март	74830	538	157 282	84 617 716
	ЖАМИ	х	х	2688	157 282	422 774 016

Бўстон тумани ХТБ мудир

ЗИЁ 2002 МХ МЧЖ рахбари



(Handwritten signature)

Ю.Азимова

И.Комилов